

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.2:(575.1)**

БАЗАРОВ ХУРШИД МИРЗАЖАНОВИЧ

**ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚ
ТИЗИМИНИНГ ТАЪСИРЧАНИЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**


08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.д.(DSc)., Нормурзаев Умид Холмурзаевич**

Тошкент – 2023 йил



МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ.	
ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1.1-§. Табиий бойликлар ва улардан фойдаланиш учун мажбурий түловларнинг ижтимоий-иктисодий асослари.....	14
1.2-§. Табиий бойликлардан фойдаланганлик учун соликқа тортишнинг илмий-назарий асослари.....	30
Биринчи боб бўйича хulosалар	45
ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚ ТИЗИМИ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	47
2.1-§. Сув ресурсларини соликқа тортиш амалиётини таҳлили.....	47
2.2-§. Ер ресурсларини соликқа тортиш механизмининг таҳлили..	61
2.3-§. Ер қаъридан фойдаланганлик учун соликни ундириш тартиби ва унинг таҳлили.....	78
Иккинчи боб бўйича хulosалар	95
ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ....	98
3.1-§. Табиий бойликларни соликқа тортишнинг хориж тажрибаси.....	98
3.2-§. Табиий бойликларни самарали фойдаланишда соликқа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари Учинчи боб бўйича хulosалар	110
ХУЛОСА.....	124
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	125
ИЛОВАЛАР.....	129

КИРИШ

(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳонда мамлакат иқтисодий тараккиётини белгиловчи муҳим стратегик табиий бойликлардан миллий иқтисодиёт манфаатлари йўлида мақсадли ва самарали фойдаланишга устуворлик берилиб, бу мақсадга эришишнинг молиявий инструментларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Жаҳон банки гурухининг маълумотига кўра, тоза энергия технологияларига ошиб бораётган талабни қондириш учун графит, литий ва кобальт сингари минераллар 2050 йилга келиб деярли 500 фоизга ошиши мумкин”¹. Дунё амалиётида табиий бойликлардан самарали фойдаланишни тартиблаш ва рағбатлантиришга қаратилган солиқ тизимининг муҳим ажralmas қисми бўлган солиқ сиёсатини такомиллаштириш масалаларининг долзарбилиги ортиб бормоқда.

Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиб бориши шароитида табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини ошириш йўллари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, табиий ресурслар учун тўловларнинг назарий ва амалий масалаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, мазкур соҳадаги амалдаги солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш, табиий ва нарх рентасини тақсимлаш жараёнини таъминловчи барча турдаги тўловларни инвентаризациядан ўtkазиш, солиқ ва солиқсиз тўловларни ажратиш, шунингдек, табиий ресурсларнинг айrim турлари бўйича солиқка тортиш тамойилларини ўзгартириш, мамлакат бюджет тизими даромадларида рента компонентини ошириш, қаттиқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва экспортга йўналтирилган солиқка тортиш тизимини такомиллаштириш йўналишидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

¹<https://pubdocs.worldbank.org/en/961711588875536384/Minerals-for-Climate-Action-The-Mineral-Intensity-of-the-Clean-Energy-Transition>.